

ЎЗБЕКИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИ
ХОРАЗМ ВИЛОЯТИ
ЯНГИБОЗОР ТУМАНИ
ҲОКИМИ
ҚАРОРИ



O' ZBEKISTON
RESPUBLIKASI
XORAZM VILOYATI
YANGIBOZOR TUMANI
НОКИМИ
ҚАРОРИ

О'zbekiston Respublikasi Xorazm viloyati 221200 Yangibozor shaharchasi
Ўзбекистон Республикаси Хоразм вилояти 221200 Янгибозор шаҳарчаси Тел: 41-94-255

2020 йил “6” санч

№ 1068

Янгибозор шаҳарчаси

Янгибозор туманидаги “Ҳ.Олимжон” маҳалласида жойлашган “SHIRIN SHAKAR BOLAJON” МЧЖга тегишли мактабгача таълим ташкилоти (МТТ) биносига қўшимча ер майдони ажратиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 апрелдаги “Мактабгача таълим тизимини янада раббатлантириш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3651 сонли қарори ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 22 ноябрдаги “Мактабгача таълим соҳасида давлат-хусусий шериклик шаклларини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 944-сонли қарори ижросини таъминлаш максадида, “SHIRIN SHAKAR BOLAJON” МЧЖ раҳбари С.Сапаровнинг туман ҳокими номига “Ҳ.Олимжон” маҳалласида жойлашган мактабгача таълим ташкилоти (МТТ) биносига қўшимча ер майдони ажратиб беришини сўраб ёзган ёзишмасини ўрганиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонунининг 6, 10, 25-моддаларига асосланиб

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Янгибозор туманидаги “Ҳ.Олимжон” маҳалласида жойлашган “SHIRIN SHAKAR BOLAJON” МЧЖга тегишли мактабгача таълим ташкилоти (МТТ) биносига қўшимча ер майдони ажратиб беришини сўраб ёзган ёзишмаси қаноатлантирилсин.

2. Янгибозор туманидаги “Ҳ.Олимжон” маҳалласида жойлашган “SHIRIN SHAKAR BOLAJON” МЧЖга тегишли мактабгача таълим ташкилоти (МТТ) биносига, кишлоқ хўжалиги, ўрмон хўжалиги ерлари тоифасига кирмайдиган ердан қўшимча 0,08 га. (800,0 кв.м) ер майдони ажратилсин.

3. Буюртмачи “SHIRIN SHAKAR BOLAJON” МЧЖга қуйидагиларни:

- архитектура-режалаштириш топширигини ишлатиш учун мурожаат этиш;
- тегишли тартибда қурилиш лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлатиш ва тасдиқлатиш;
- ер участкасига бўлган ҳуқуқни бошқа шахсларга бегоналаштираслик, ер участкасида қурилиб фойдаланишга қабул қилинган объект фаолият турини ўзгартираслик;

- “Ер кодекси”нинг 36-моддаси 10-бандига асосан ажратилган ер майдонини 2 (икки) йил муддат ичида ўзлаштирилмаса ушбу қарор бекор қилиниши қайд қилинсин.

4. Туман қурилиш бўлими (О.Давлетов)га ушбу қарорга асосан белгиланган тартибда қўшимча ажратилаётган 0,08 га. (800,0 кв.м) ер майдонини бош лойиха асосида жойида (натурада) белгилаб бериш ҳамда қурилишини шаҳарсозлик норма қоидалари асосида назорат қилиш топширилсин.

5. Туман ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими (Р.Рахимов)га ушбу ажратилган ер майдонини ҳисобга олиш ва ер кадастри китобига тегишли ўзгартиришлар киритиш, туман Давлат солиқ инспекцияси (А.Ўразбаев)га белгиланган тартибда солиққа тортиш вазифалари топширилсин.

6. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокими ўринbosари в.в.б. Н.Мадаминов зиммасига юклатилсин.

Янгибозор тумани ҳокими



Ў.Курбанов